

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 227-ҳадис

227-5680 - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا قَالَ: «الشِّفَاءُ فِي ثَلَاثَةٍ: شَرْبَةُ عَسَلٍ،
وَشَرْطَةُ مَحْجَمٍ، كَيِّةٌ نَارٍ، وَأَنْتَهَى أُمَّتِي عَنِ الْكَيْ» رَفَعَ الْحَدِيثَ.

227- 5680. Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«У: «**Шифо** уч нарсада: асал ичишда, қортиқ солишда ва ўтнинг куйдиришидадир. Мен умматимни куйдиришдан қайтараман» деб, ҳадисни марфуъ қилди.

Изоҳ: «Ҳадисни марфуъ қилди» дегани уни Набий соллаллоху алайҳи васалламга нисбат берди, деганидир.

Ҳадисда ўша пайтдаги кенг ёйилган даволаш усулларидадан учтаси зикр қилинган. Аммо бундан «Бошқа нарсада шифо йўқ экан», деган тушунча келиб чиқмайди. Фақат буларнинг фойдаси кўп бўлгани учун алоҳида эслатилган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI